

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

## АМАЛИЙ АУДИТ фанидан ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5А340901 – “Бухгалтерия ҳисоби (иқтисодиёт тармоқлари бўйича)” магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент – 2003**

**Тузувчи:** доц. Маматов З.Т.,  
**Такризчилар:** доц. Ҳамдамов Б,  
доц. Хасанов Б.А.

«Амалий аудит» фани дастури Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартининг 5А340902 «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган.

Дастурда «Амалий аудит» фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқаси, эгалланадиган билим ва кўникмалар ҳажми, маъруза ва амалий дарслар мавзулари, компьютер ва информацион технологияларни қўллаш имкониятлари, рефератлар мавзулари ва курс иши лойиҳалари, магистрантлар билимини рейтинг асосида баҳолаш мезонлари ҳамда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Программа дисциплины "Практический аудит" разработана согласно Государственному образовательному стандарту Узбекистана для магистров по специальности 5А340902-"Бухгалтерский учет и аудит".

В программе они проявляются в целях и задачах, взаимосвязях с другими предметами, использовании компьютеров и информационных технологий, темах лекционных и практических занятий, рефератов и проектов курсовых работ, оценивании студентов по рейтинговой системе и список используемой литературы по предмету «Практический аудит».

The subject "Practical auditing" is designed according to State educational Standards of Uzbekistan for the masters on a speciality 5А340902 -"Accounting and auditing".

The program contains use of computers and informational technologies, programs of a subject, practical and a seminar employment, themes of course works and abstracts, evaluation students on rating system and lists of the literature on the subject «Practical auditing».

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар асосида ҳар бир ўқитиладиган фан учун дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди. "Амалий аудит" фани бўйича ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит» мутахассислигида ўқитилади.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтишни таъминловчи янги иқтисодий муносабатларни шакллантиришда аудиторлик фаолияти муҳим вазифалардан ҳисобланади. Унинг асосий мақсади - молиявий бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш, ҳисоб юритиш бўйича зарур маслаҳатлар бериш ва ҳоказолардан иборат.

«Амалий аудит» фанини ўрганиш, унинг турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарни бошқаришда тутган ўрнини тушуниш ва назарий билимларни амалий билимлар билан бойитишни вазифа қилиб қўяди.

Магистрантлар "Амалий аудит" фани бўйича қўйидагиларни билиши зарур:

- ҳозирги ривожланган иқтисодиётда аудитнинг ўрни ва аҳамияти;
- иқтисодий назорат тизимида аудитнинг вазифаси;

- бозор иқтисодиёти қонунларини мукамал ўрганиш;
- хужжатли ва ҳақиқий текширишларни ўтказишнинг хусусиятлари ҳақида;
- иқтисодий маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилиб, реал маълумотларга эга бўлиш;
- корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича хулоса ва таклифлар бериш ва ҳоказо.

### **Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Давлат таълим стандартларига асосан мазкур йўналишда таълим оладиган магистрантлар «Амалий аудит» фани бўйича чуқур билим олиши ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун қуйидагиларни билишлари зарур:

- ◆ҳозирги замон тараққиётида аудитнинг ўрни ва аҳамияти;
- ◆бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани иқтисодиётни ўрганишнинг асосий мезони эканлиги;
- ◆иқтисодиётнинг турли соҳаларини самарали бошқаришда аудит маълумотлари асос бўлиб хизмат қилиши;
- ◆ишлаб чиқариш харажатларни тўғри ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаб топишда аудитнинг ўзига хос хусусияти;
- ◆ҳуқуқий давлат, демократик фуқаролик жамиятининг талабалари ва магистрантлари, айниқса, бухгалтер ва аудитор мутаяассислигини эгалловчилар ҳуқуқшунослик фанларини чуқур эгаллаган бўлишлари;
- ◆аудит натижалари асосида ўзларининг хулоса ва таклифларини келтириши;
- ◆иқтисодий сиёсатни ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудит муҳим бўғин эканлиги.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиёт бирлигига магистрантларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада оширишга, уларнинг имкон қадар мустақил билим олишига эришиш зарур.

### **Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги**

Мазкур фанни ўрганиш учун магистр-иқтисодчи давлат таълим стандартларида кўзда тутилган қўйидаги иқтисодий фанлар билан бевосита алоқада бўлади:

«Фанларнинг фалсафий масалалари», «Илмий ижодиёт методологияси», «Амалий чет тили», «Ахборот технологиялари», «Таълим менежменти ва иқтисодиёти», «Махсус фанларни ўқитиш методикаси», «Халқаро аудит тизими», «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми», «Инвестициялар аудити ва баҳолаш», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти», «Молия математикаси», «Давлат солиқлари ва йиғимлари», «Бошқарув ҳисоби-2», «Молиявий таҳлил-2», «Қимматли қоғозлар ва улар бўйича операциялар ҳисоби», «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби», «Молиявий ҳисоб-2», «Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими», «Давлат молиясини бошқариш» ва бошқа махсус фанлар.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимларини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлаш;
- магистрантга ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароит яратиш бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;

- магистрантларга «ИС:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш;
- иқтидорли магистрантлар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарслар ташкил қилиш ва ҳ.к.

"Амалий аудит" курсини ўқитишни илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш ўқув мақсадлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш; ўқув мақсадларига эришиш; қўйилган мақсадларга эришилишини баҳолаш; таянч ибораларига асосланган назорат ишларидан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Амалий аудит" фани магистрантларга ўқув режаси бўйича семестр давомида ўқитилгани, маъруза ва амалий машғулотларга бўлинганлиги боис ўқув бўлимлари томонидан уларни семестрлараро ўқитиш режалаштирилади.

"Амалий аудит" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўқитилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустақамлаш мақсадида магистрантлар корхона ва хўжаликларда амалиёт ўтайдилар. Магистрантларнинг билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

### **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми**

Олий таълимнинг давлат стандартларида "Аудит" мутахассисликлари учун мазкур фанга жами 180, шу жумладан маъруза - 60, амалий машғулот - 60, мустақил таълим 60 соат ва курс ишига ҳар бир тингловчи учун 3 соат ажратилган.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг мавзулари**

#### **Тадбиркорлик фаолияти ҳисоб-китоблари аудити**

Тадбиркорлик фаолияти, унинг ўзаро муносабатлари ва таснифлари (классификациялари) бўйича ҳисоб-ҳисобот

маълумотлари аудити. Тадбиркорлик фаолияти жараёнлари бўйича аудит предмети сифатидаги ҳисоб ва ҳисоботларнинг маълумотлар тизими.

Хўжалик маблағларининг алоҳида айланма цикллари бўйича маълумотларни аудит қилишнинг асосий моҳияти. *Корхона фаолиятидаги капитал ва жорий қўйилмалар аудити хусусияти.* Хўжалик маблағларнинг алоҳида айланма цикллари бўйича ҳисоб-ҳисобот маълумотлари аудити асоси сифатидаги капитал ва жорий қўйилмалар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини шакллантиришнинг рационаллигини текшириш.

Корхонанинг ҳисоб маълумот тизимидаги базавий субтизими сифатидаги ишлаб чиқариш ҳисоби ва ҳисоботининг мақсадга мувофиқлигини аудит қилишнинг тамойиллари. Иқтисодий элементлари бўйича ўзаро ўхшаш харажатлар ҳақидаги ҳисоб маълумотлар аудити, унинг бўнаклаштирилган капиталнинг қўлланиш даражасини баҳолаш чоғидаги мақсад ва вазифалари. *Харажатлар бўйича, уларнинг аудиторлик даврига оид вақт мобайнида ўсиб бориш (кўпайиш)и даражасини ҳисобга олган ҳолда, қолдиқлар ва оборотларни жорий қайта баҳолаш натижаларининг аудити.*

#### **Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш аудитининг тамойиллари ва мақсадлари**

Тадбиркорлик жараёнлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларнинг аудитининг тузилиш тамойиллари: хўжалик маблағларининг айланувчанлиги тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини текшириш чоғидаги истиқболларни аниқлаш; корхона хўжалик

фаолиятига оид бўнаклаштирилган капиталнинг сакланиши аудити; муҳим омиллар сифатида ҳисобдаги бухгалтерия счётлари бўйича қайта баҳоланадиган ва қайта баҳоланмайдиган баланс ва оборот моддалари мундарижаси; молиявий бошқаришга оид харажатларнинг ўзаро боғлиқлигини текшириш.

Хўжалик маблағларининг айланувчанлик цикллари бўйича аудитнинг асосий, умумий мақсад ва вазифалари. Хўжалик маблағларини ҳаракатланиши бўйича алоҳида циклларига оид аудит мақсад ва вазифалари идентификацияси. Хўжалик маблағлари айланувчанлигининг алоҳида цикллари бўйича аудитни ўтказиш мақсад ва вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари.

Молиявий натижалар ва жорий капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини аниқлаб олиш омили (фактори) сифатида хўжалик маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг аудит қилиниши.

### **Сотиш ва тушум цикли аудити**

Сотиш ва тушум цикли моҳияти. Товарлар, ишлар, хизматларнинг сотилиши билан боғлиқ ички назорат. Сотиш ва тушум цикли бўйича ички хўжалик назорати тизимидаги хатарни баҳолаш. Корхона томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган тушум ҳажми бўйича нархни шакллантиришнинг тўғрилигини текшириш. *Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан корхона ҳисоб сиёсатининг ҳақиқатдаги ҳисобга оид иш тартиблари, сотиш ҳажми ва бошқа хил сотишлар ҳақида (юклар жўнатиш бўйича ҳисоб ҳамда ҳисобот маълумотларини шакллантириш, ҳақ тўлаш, юклар жўнатиш ҳақини тўлаш) ҳисобот маълумотларининг шакллантирилишидан олинган тушум маълумотларини шакллантиришни текшириш.*

Ҳисоб ва ҳисоботларда корхона маҳсулоти (иш ва хизматлар)ни сотилишининг ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилишини текшириш. Қайтимлар, чегирмалар, устамалар, арзонлаштиришлар ва маҳсулотларнинг паст навларга ўтказилишининг асослилигини текшириш. Ички хўжалик баланслари бўйича корхонанинг алоҳида бўлинмалари фаолияти ҳисобини умумлаштирилиши чоғида сотишдан олинган тушум тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш шарт-шароитларини аниқлаш.

Акс эттирилган ва сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг тўғри шакллантирилишини назорат қилиш.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг сотилишидан олинган натижаларни текшириш. Бошқа хил активлар сотилишидан олинган натижаларни текшириш.

Харидорлар ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини текшириш. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум тартиби асосида банкларда корхоналарнинг ҳисоб-китоб счётига маблағларнинг тўғри ва тўлиқ ўтказилишини текшириш.

### ***Корхонадаги маҳсулот таъминоти соҳасидаги мажбуриятлар ва жавобгарликнинг ажратилиши самарадорлигини баҳолаш.***

Сотишдан олинган тушумни, шу жумладан, харидорлар ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимлари самарадорлигини иқтисодий таҳлил қилишнинг муҳим жиҳатлари.

Сотиш ҳисоби, маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилишидан ва бошқа сотишлардан олинган тушумнинг ҳолатини текшириш ва умумлаштириш.

### **Пул маблағлари аудити**

Касса муомалалари ҳисобини текшириш. Касса муомалаларини ҳисобга олиш чоғидаги мажбуриятлар ва жавобгарлилик даражасини аниқлаш. Корхона кассасига нақд пул маблағларининг кирими ҳисобини тўғри юритилишини назорат қилиш.

*Бошлангич, ижрочи ва жамловчи аналогик бухгалтерия хужжатлари асосида касса пул маблағларини мақсадга мувофиқ сарфланишининг тўғрилиги ва қонунийлигини текшириш.*

Пул маблағларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга, хўжалик эҳтиёжлари учун, юридик шахслар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тўғри сарфланишини текшириш.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ва ходимлар билан касса наад пуллари бўйича ҳисоб-китобларни (шу жумладан, тижорат қарзлари амалга ошириш тартибида тураржой қурилишига оид ссудалар бўйича, бошқа муомалалар бўйича) текшириш.

Касса нақд пуллари инвентаризациясининг тўғри ва ўз вақтида ўтказилишини ва унинг натижаларининг расмийлаштирилишини текшириш. Касса интизомига риоя қилиш даражасини баҳолаш.

Касса муомалалари ҳисобининг аудиторлар томонидан иқтисодий таҳлил (қилиниш)и.

Маҳаллий банклардаги ҳисоб-китоб ва валюта счетларидаги маблағлар ҳаракатининг ҳисобга олинишини текшириш. Банклардаги ҳисоб-китоб ва валюта счетлари бўйича маблағларнинг кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилишига оид банк кўчирмалари ва банк хужжатларини текшириш. Банклардаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счетлар бўйича пул маблағларининг кирим қилиниши, ҳисобдан чиқарилишининг тежамкорлиги ва самарадорлигини текшириш. Ҳисоб-китоб смети бўйича муомалаларни ҳисобга олишнинг моҳияти. Депозит муомалаларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш. Кредитга, қарзга, шу жумладан, бошқа жалб қилинган маблағларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида киримга олинишини назорат қилиш. Валюта муомалалари бўйича қонун ва меъёрий хужжатларга риоя қилиш ва оборотларни сўмдаги эквивалентда ҳисоблаш курсининг ўз вақтида ва тўғри қўлланиш даражасини текшириш. Валюталарни, уларнинг олди-сотдиси амалга оширилаётган вақтидаги қайта ҳисоб-китоб қилишнинг тўғрилигини текшириш. Экспорт тушумлари ҳамда- эркин алмаштириладиган валютадаги сотишларнинг тегишли хужжатларда тўлиқ ва ўз вақтида акс эттирилишини текшириш.

Корхона пул маблағлари билан банк операцияларининг амалга оширилиш самарадорлигининг иқтисодий таҳлили.

Пул маблағлари ҳисоби бўйича ҳисобот кўрсаткичларини аудиторлик текшириш материалларини умумлаштириш.

### **Моддий техника таъминоти аудити**

Мулкларни сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва номоддий активларни киримга олиниши ва улардан фойдаланилишни ҳисобга олиш самарадорлигини баҳолаш. Асосий воситалар, номоддий активлар ва ижарага олинган мулкларини киримга олишнинг тўлақонлиги ва қонунийлигини текшириш. Ижара мажбуриятлари ва оборотдан ташқари активларни ташкил қилинишига оид муомалалар аудити. Асосий воситалар, номоддий активлар ва ижарага олинган мулклардан фойдаланишнинг самарадорлиги ва қонунийлигини баҳолаш.

Корхона оборот маблағларини, уларнинг турлари (баланс моддалари) бўйича шакллантириш самарадорлиги умумий баҳоси. Оборот маблағлари алоҳида турларининг тўла-тўқислигини ва ўз вақтида кирим қилинганлигини текшириш. Оборот маблағларининг алоҳида турларидан, уларнинг сарфланиш йўналишлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги ва қонунийлигини текшириш. Солиққа тортиладиган

базаларни ташкил этишнинг амалдаги қоидаларидан келиб чиққан ҳолда айланма маблағларни ҳисобдан

чиқариш тартиби ва харажатларни қоплаш шартларини шакллантириш орасидаги мувофиқлигини текшириш.

Моддий захиралар сақланишини текшириш. Моддий қийматликларни ушбу қийматликлар сақланиш жойларида, моддий жавобгар шахслар бўйича инвентарлаш натижалари аудити. Ишлаб чиқариш захираларини инвентаризация қилиш ҳисоб-китобининг тўғрилиги, тўлиқлиги ва ҳисоботларда ўз вақтида акс эттирилишини текшириш.

*Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси ҳисобот даврлари харажатлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг қонуний ва мақсадга мувофиқ равишда шаклланишини текшириш.* Қолдиқ товарларга, ишлаб чиқариш захиралари ва нақд мол-мулкка оид қўшимча қиймат солиғини тўлашга кетган муомала чиқимларининг тўғрилигини текшириш.

Аудит қилинаётган корхона фаолиятини яхшилашнинг ички резервларини баҳолаш воситаеи сифатида корхонанинг оборот маблағлари айланувчанлиги самарадорлигининг таҳлили. Оборот маблағларининг ўртача бир оборот рентабеллиги, таъсир этувчи алоҳида омилларни аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичини таҳлил қилиш. Ўртача оборот рентабел-лигининг хусусий кўрсаткичлари дифференциациялари оборот маблағларининг алоҳида ички турлари гуруҳларини шакллантирилиши самарадорлигини қўшимча равишда текшириш.

### **Инвестициялар аудити**

Корхона томонидан амалга оширилган инвестицияларни текшириш. Жалб этилган шахсий маблағларнинг самарадорлигини баҳолаш. Пудрат ва хўжалик усулларидаги капитал қўйилмаларни шакллантирилиши фаолиятини кенгайтириш йўлидаги инвестициялаш учун ўз ва четдан тартибидаги ресурсларни ҳисобдан чиқарилишининг қонунийлигини ва самарадорлигини текшириш.

*Капитал қўйилмаларнинг қонунийлиги, тежамкорлиги ва ликвидлилигини баҳолаш.* Узоқ муддатли инвестицияланувчи маблағлар алоҳида объектлар бўйича қурилиш ва монтаж ишларининг тайёрлиги аудити. Тугалланган объектларнинг ишга туширилиши, уларни асосий ва оборот маблағ (восита)лар кўринишида балансга киритилиши тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг тўғри шакллантирилганлигини текшириш.

Инвестициялаш асосида қурилатган объектларни назорат ўлчамлари натижаларини, уларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўғри акс эттирилишини текшириш. Назорат ўлчамларининг буюртмачилар, бош пудратчилар ва субпудратчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб ҳолатига таъсирини аниқлаш. Буюртмачи ва пудратчиларнинг балансларидаги инвестициялаш объектларининг назорат ўлчамлари натижалари бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ва ўз вақтида тартибга солиб борилганлигини текшириш.

Асосий фондларнинг тугалланмаган ва тугалланган қурилиш объектларини инвестициялаш рентабеллиги ва ликвидлилигини, шу жумладан, узоқ муддатли инвестициялаш тартибида асосий воситалар ва номоддий активларнинг ташкил этилиши (харид қилиниши)ни текшириш.

*Инвестиция жараёнининг самарадорлиги таҳлили.* Самарасиз капитал қўйилмаларни, шу жумладан, фойдаланишга топширилган асосий воситалар ва номоддий активлар инвентар объектларининг инвентар баҳосини кўпайтириб юбормайдиган харажатларни аниқлаш.

### **Ишлаб чиқариш (трансформациялаш) цикли аудити**

Ишлаб чиқариш (трансформациялаш) цикли аудити корхонанинг жорий фаолиятига оид бўлаклаштирилган (аванс қилинган) харажатларини нисбатан қонуний ва мақсадга мувофиқ тўлиқ қопланиши воситаси сифатида. Моддий ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишда корхона чиқимини мос келган қийматликлар турларини ҳисобдан чиқаришнинг амалдаги усулларини қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш.

*Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот, ишлар ҳамда хизматлар таннархини калькуляциялаш усулининг тўғри ва самарали танланганлигини баҳолаш.* Техника ва технологиянинг юксак даражада ривожланишини ноишлаб чиқариш харажати ва йўқотишларини аниқлашнинг тўғрилигига баҳо бериш воситаси сифатида баҳолаш, шу жумладан, уларнинг корхона меҳнат фаолияти самарадорлигини оширувчи ички ишлаб чиқариш резервларининг мобиллаштирилиши учун муҳим аҳамиятли жиҳатларини аниқлаш. Харажатларни алоҳида иқтисодий элементлар ва моддалар бўйича шакллантиришнинг тўғрилигини текшириш.

*Алоҳида калькуляциялаш объектлари бўйича, шу жумладан, бевосита ва билвосита тақсимланадиган харажатларнинг қонунга мувофиқ равишда шакллантирилганлиги ва самарадорлигини текшириш.* Корхонанинг жорий фаолиятига мувофиқ молиявий манбалар бўйича аванс қилинган маблағларнинг қопланиш даражасини аналитик жиҳатдан баҳолаш.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш, шу жумладан, унинг, инвентаризация ва ишлаб чиқариш томонидан тугалланмаган ишларнинг ўзгартирилиши тайёр маҳсулот (ишлар ва хизматлар) таннархига бўлган таъсирини баҳолашнинг тўғри ҳисобга олинганлигини текшириш.

Ҳисоб-китоблардаги маблағлар цикли (деинвестиция цикли) аудити

Ҳисоб-китоблардаги маблағлар цикли аудити, унинг вазифалари ва моҳияти, текширишнинг асосий усуллари. Ҳисоб-китоблардаги маблағлар турлари ва улар аудитининг муҳим жиҳатлари. Ҳисоб-китоб маблағлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларга гуруҳлаштириш нуқтаи назаридан

етарли даражада аналитиклигини текшириш. Турлари бўйича унга тенглаштирилган маблағлар аудити. Шахсий ва унга тенглаштирилган корхона маблағларини ҳисобга олишнинг тўғрилигини текшириш мезон (критерия)лари сифатида аванс қилинган капитални сақланиш концепцияси.

Маблағларни корхона оборотига жалб қилиш (оборотдан четлатиш) самарадорлигини текшириш мезони сифатида кредиторлик ва дебиторлик қарзлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг реаллилик концепцияси. Ҳисоб-китоблардаги маблағларни

инвентарлашнинг натижаларини аналитик ва синтетик кўринишида ҳисобга олишнинг, шу жумладан, сўнгиларининг солиқ органлари кўрсатмаларига мувофиқ ҳисобга олинишининг тўғри тузилганлигини текшириш.

*Корхонанинг ҳисоб-китоб муносабатларига маблағларни контрагентлар, солиқ органлари ҳамда инвесторлар томонидан аниқланган маълумотлар асосида қўйилма қилиниши самарадорлиги тахлили.*

Молиявий натижалар ва баланс реформацияси аудити тенглаштирилган маблағлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри ва ўз вақтида шакллантирилганлигини текширишнинг асоси. Корхона баланс фойдасига кўра ҳисобдан чиқаришнинг ҳаққонийлиги ва мақсадга мувофиқлиги тахлили. Корхона соф фойдасини, унинг рационал фойдаланилишини текшириш мақсадида назорат қилиш самарадорлигини баҳолаш. Татбиқ этилган ва этилмаган натижаларни (шу жумладан, валюта операциялари бўйича курсдаги фарқларни ҳисобдан чиқарилиши натижалари бўйича) уларнинг турлари бўйича текшириш. Ялпи даромадлар ва фойда келтирмайдиган ялпи харажатлар самарадорлигининг таркибий тахлили. Бозор иқтисодиёти шароитларида баланс фойда



алоҳида қисмларининг солиқ харажатлари билан биргаликда корxonанинг соф фойда ва соф даромадининг шаклланишига таъсирини баҳолаш.

*Корхона ўз маблағларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва акциядорлик капитални ўсиш омили сифатида соф фойдани баҳолаш.* Корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий барқарорлиги ва мустақилигининг оширилиши учун соф фойда ва қўшимча капиталнинг етарлилигига оид аналитик ҳисоб-китобларни тузиш жараёнлари.

## Яқуний аудит

Шартли, шу жумладан, фавқулдда мажбуриятлар шарҳи, таркиби, моҳияти ва корхона фаолияти молиявий натижаларига бўлган таъсири бўйича фавқулдда мажбуриятлар ҳолатини баҳолаш.

Аудиторлик текшириши натижалари бўйича навбатдаги ҳодисалар ва корхона маъмурияти номига тавсияларнинг тайёрланиши шарҳи.

Кейинги далилларнинг фош этилиши.

Гувоҳлик бериш бўйича стандартлар мазмуни. Махсус элементлар, ҳисоботлар ва йўналишлар. *Аудит натижалари бўйича ички хўжалик ҳисоби ва назорати тизими таҳлили.* Асосий молиявий ҳисоботларга оид ахборот мазмуни. Ҳисоботларни тузиш ва шарҳловчи текширишларни ўтказиш бўйича аудиторлик хизматларнинг мазмуни.

### Операцион аудит ва унинг асослари

Операцион бошқарув аудити билан молиявий ҳисоботлар аудити ўртасидаги алоқалар ва фарқлар. Операцион аудитнинг асосий предмети сифатида иқтисодий самарадорлик ва унумдорликни баҳолаш.

Операцион аудит билан ички хўжалик ҳисоби ва назорати ўртасидаги ўзаро информацион боғлиқлик. Операцион аудит бўйича экспертлар таркиби.

Юқори самарадорликдаги операцион аудит ўтказилиши учун миқдорнинг ахборотлар базасининг ишончлилиги, тўлиқлилиги ва етарлилигини баҳолаш.

Операцион аудиторларнинг мустақиллиги ва чуқур билим даражасига эгаллиги. *Операцион аудитнинг амал қилиб келаётган баҳолаш мезонлари ва фазалари. Операцион аудит натижаларини умумлаштириш жараёнлари.*

Ишончли, аниқ, тўлиқ ва ўз вақтидаги ҳисоб маълумотлари асосида оптимал бошқарув қарорларининг рационаллигини аниқлаш усули сифатида операцион аудит самарадорлигининг баҳоланиши.

## 3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

### Тадбиркорлик фаолиятига оид ҳисоб-китоблар аудити

Аудиторлик текширувида тадбиркорлик фаолият бўйича ҳисоб-ҳисобот маълумотларининг аудити. Тадбиркорлик фаолияти жараёнлари бўйича аудит предмети сифатидаги ҳисоб ва ҳисоботларнинг маълумотлар тизими.

Хўжалик маблағларининг алоҳида айланма цикллари бўйича маълумотларни аудит қилишнинг асосий моҳияти. Корхона фаолиятидаги капитал ва жорий қўйилмалар аудити хусусияти.\* Хўжалик маблағларнинг алоҳида айланма цикллари бўйича ҳисоб-ҳисобот маълумотлари аудити асоси сифатидаги капитал ва жорий қўйилмалар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини шакллантиришнинг рационаллигини текшириш.

Корхонанинг ҳисоб маълумот тизимидаги базавий субтизими сифатидаги ишлаб чиқариш ҳисоби ва ҳисоботининг мақсадга мувофиқлигини аудит қилишнинг тамойиллари. Иқтисодий элементлари бўйича ўзаро ўхшаш харажатлар ҳақидаги ҳисоб маълумотлар аудити, унинг бўнаклаштирилган капиталнинг қўлланиш даражасини баҳолаш чоғидаги мақсад ва вазифалари. Харажатлар бўйича, уларнинг аудиторлик даврига оид вақт мобайнида ўсиб бориш (кўпайиш)и даражасини ҳисобга олган ҳолда, қолдиқлар ва оборотларни жорий қайта баҳолаш натижаларининг аудити.

## **Тадбиркорлик фаолияти жараёнларини бошқаришдаги аудитнинг тузилиши тамойиллари ва мақсадлари**

Тадбиркорлик жараёнлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларнинг аудитининг тузилиш тамайиллари: хўжалик маблағларининг айланувчанлиги тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини текшириш чоғидаги истиқболларни аниқлаш; корхона хўжалик фаолиятига оид бўнаклаштирилган капиталнинг сақланиши аудити Муҳим омиллар сифатида ҳисобдаги бухгалтерия счётлари бўйича қайта баҳоланадиган ва қайта баҳоланмайдиган баланс ва оборот моддалари мундарижаси; молиявий бошқаришга оид харажатларнинг ўзаро боғлиқлигини текшириш.

Хўжалик маблағларининг айланувчанлик цикллари бўйича аудитнинг асосий, умумий мақсад ва вазифалари. Хўжалик маблағларини ҳаракатланиши бўйича алоҳида циклларига оид аудит мақсад ва вазифалари идентификацияси. Хўжалик маблағлари айланувчанлигининг алоҳида цикллари бўйича аудитни ўтказиш мақсад ва вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари.\*

Молиявий натижалар ва жорий капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини аниқлаб олиш омили (фактори) сифатида хўжалик маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг аудит қилиниши.

### **Сотиш (реализация қилиш) ва тушум цикли аудити**

Корхонада сотиш ва тушум циклининг моҳияти. Товарлар, ишлар, хизматларнинг сотилиши билан боғлиқ ички назорат. Сотиш ва тушум цикли бўйича ички хўжалик назорати тизимидаги хатарни баҳолаш. Корхона томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган тушум ҳажми бўйича нархни шакллантиришнинг тўғрилигини текшириш. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан корхона ҳисоб сиёсатининг ҳақиқатдаги ҳисобга оид иш тартиблари ва сотиш ҳажми ва бошқа хил сотишлар ҳақида (юклаб жўнатиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини шакллантириш, ҳақ тўлаш, юклаб жўнатиш ҳақини тўлаш) ҳисобот маълумотларининг шакллантирилишидан олинган тушум маълумотларини шакллантиришни текшириш.\*

Ҳисоб ва ҳисоботларда корхона маҳсулоти (иш ва хизматлар)ни сотилишининг ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилишини текшириш. Қайтимлар, чегирмалар, устамалар, арзонлаштиришлар ва маҳсулотларнинг паст навларга ўтказилишининг асослилигини текшириш. Алоҳида ички хўжалик баланслари бўйича корхонанинг алоҳида бўлинмалари фаолияти ҳисобини умумлаштирилиши чоғида сотишдан олинган тушум тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш шарт-шароитларини аниқлаш.

Акс эттирилган ва сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) таннарҳи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг тўғри шакллантирилишини назорат қилиш.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг сотилишидан олинган натижаларни текшириш. Бошқа хил активлар сотилишидан олинган натижаларни текшириш.

Харидорлар ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини текшириш. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум тартиби асосида банкларда корхоналарнинг ҳисоб-китоб счётига маблағларнинг тўғри ва тўлиқ ўтказилишини текшириш.

Корхонадаги маҳсулот таъминоти соҳасидаги мажбуриятлар ва жавобгарликнинг ажратилиши самарадорлигини баҳолаш.

